



2016 yil "28" mart № 104

Farg'ona shahri

**Вилоят ҳудудида қишлоқ хўжалиги экинзорларининг
пайҳон қилинишига барҳам бериш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги “Қишлоқ хўжалиги экинзорларининг пайҳон қилинишига қарши курашиши кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 272-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 6, 25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қишлоқ хўжалиги экинзорларининг пайҳон қилинишини олдини олиш тартибини ва зарар микдорини белгилаш тўғрисидаги қоидалар (кейинги ўринларда-Қоидалар) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вилоят Ички ишлар бошқармаси (Султанов), вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси (Махмудов), туман (шаҳар) ҳокимларни мазкур қарор билан тасдиқланган Қоидаларга қатъий риоя этилишини ўз назоратига олсинлар.

3. Туман (шаҳар) ҳокимлари ушбу қарор билан тасдиқланган Қоидалар талабларини амалга ошириш юзасидан зарурӣ чора-тадбирларни белгиласинлар ва ҳар ой якуни билан ушбу масалани муҳокама этиб борилишини таъминласинлар;

қишлоқ хўжалиги экинзорларида мол боқиши ва молларнинг, автотранспорт ёки қишлоқ хўжалиги техникаларининг экинзорлар орқали ўтиши ҳамда экинларнинг пайҳон бўлишига олиб келувчи бошқа қонун бузилиш ҳолатларига қарши курашиш ишларини кучайтирсингар.

4. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Рахимов), вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси (Махмудов)га жойларда Қоидалар талаблари бажарилишини таъминлаш мақсадида жорий йил апрел ойининг биринчи ўн кунлигига ҳудудларда фермер хўжаликлари, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари иштироқида кенгайтирилган семинар йиғилишларни ўтказиш топширилсин.

5. Мазкур қарор “Фарғона ҳақиқати” ва “Ферганская правда” газеталарида расмий эълон қилинсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Рахимов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими

Ш. Ғаниев .

*Вилоят ҳокимининг
2016 йил “28” мартағи
“104”-сонли қарорига
илюва*

**Қишлоқ хўжалиги экинзорларининг пайхон қилинишини олдини олиш
тартибини ва заар миқдорини белгилаш тўғрисидаги
ҚОИДАЛАР**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги “Қишлоқ хўжалиги экинзорларининг пайхон қилинишига қарши курашишни қучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 272-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2008 й., 50-сон, 497-модда) ижросини таъминлаш ҳамда вилоятда қишлоқ хўжалиги экинларининг пайхон қилиниши ва нобуд бўлишининг олдини олиш муаммоларига барҳам беришни, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ушбу долзарб масалага тўла жалб қилинишини ва уларга нисбатан талабчанликни қучайтиришни, шунингдек хуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан экинзорларнинг пайхон қилинишига йўл қўймаслик юзасидан етарли чора-тадбирлар кўриш тартибини белгилайди.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг пайхон қилинишига шаҳар ва туманлар худудида таъсирчан чораларни кўриш, қишлоқ хўжалиги экинлари, аввало рисқу-рўзимиз бўлмиш ғалла майдонларини пайхон қилинишининг олдини олиш ва нобуд бўлиши ҳолатларига йўл қўймаслик юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар самарадорлигини ошириш ҳамда ушбу масалада тегишли идоралар раҳбарларининг масъулиятини янада қучайтириш орқали амалга оширилади.

I. Умумий қоидалар

1. Қоидаларда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

Экинзорлар деб: пахта, ғалла, бедазорлар, сабзавот ва полиз ҳамда чорвачилик озуқа экинлари ва бошқа (юридик ва жисмоний шахсларнинг даромад олиш мақсадидаги барча экинлари,) экинзорлар тушунилади.

**II. Қишлоқ хўжалиги экинзорларининг пайхон қилинишига
барҳам бериш бўйича кескин чоралар**

2. Экинзорлар, шу жумладан давлат эҳтиёjlари учун экиладиган экин майдонларини кўплаб пайхон қилиниши мумкин жойларда ердан фойдаланувчиларни жалб этган ҳолда кузатиш постлари ташкил қилинади.

3. Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг туман (шаҳар)даги бўлимлари, ички ишлар бўлимлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда, жамоатчиликни кенг жалб қилган ҳолда мунтазам рейдларни тизимли асосда ташкил этилади, экинзорларни пайхон қилиш ҳолати аниқланган тақдирда, фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса, уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Экинзорларни ёки қўчатзорларни ҳамма турдаги ҳаракатланувчи техника воситаларида босиб ўтиш энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Хуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса, беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгилаб қўйилсин.

Ушбу хуқуқбузарлик учун белгиланган жарима билан бир қаторда экинзорларни пайхон қилиш оқибатида келтирилган заарар айбдор шахс ҳисобидан қопланади.

4. Фуқаролар ва юридик шахслар томонидан етказилган заарлар ва қўлланилган жарималар ихтиёрий равища уч ой муддатда қопланмаган тақдирда, далолатнома асосида олинган чорва моллари, транспорт воситалари, қишлоқ хўжалиги техникалари ва нобуд қилишнинг бошқа воситалари суднинг қарори асосида ҳал қилинади.

5. Экинзорларнинг пайхон ва нобуд қилиниши ҳолатлари аниқланган тақдирда барча чорва моллари, автотранспорт, қишлоқ хўжалиги техникаси ёки экинзорларни пайхон ва нобуд қилишнинг бошқа воситалари тегишли далолатнома асосида олиб қўйилади ҳамда етказилган заарар тегишли мутахассислар томонидан аниқланиб, заарар ва жарималар қоплангандан сўнг қайтариш масаласи кўриб чиқилади.

6. Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи ташкилот ва корхоналарининг тасарруфидаги ер майдонлари ва экинзорларда наша, ёввойи наша ва мойли кўкнор экинларини йўқ қилиб юборилади.

7. Жойларда қишлоқ хўжалиги экинзорларининг пайхон қилинишига қарши курашиш бўйича ишларни ташкил этиш юзасидан шахсий жавобгарлик туман ҳокимлари, ички ишлар бўлимлари бошликлари, шунингдек тегишли ташкилотлар раҳбарлар зиммасига юкланди.

8. Фермер хўжаликлари, давлат корхонаси, ташкилоти ва муассаса раҳбарлари ўз ҳудудларида экинзорларни пайхон қилинишини олдини олиш бўйича масъул этиб тайинланади, вазифасига совуққонлик билан муносабатда бўлган ҳамда пайхон қилиш ва заарар етказилишини олдини олмаган тақдирда, ҳокимликлар томонидан ваколати доирасида мансабдор шахсларга нисбатан кескин чоралар кўрилади.

9. Фермер хўжаликлари ва ердан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш мақсадида фойдаланувчиларнинг чорва ҳайвонлари доимий ўтадиган экинзорлари атрофини маҳсус (четан) тўсиқлар билан жиҳозлайдилар.

10. Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи ташкилот ва корхоналари ўз ҳисобларидан экинзорларни пайхон қилинишини олдини олиш учун амалдаги қоидалар асосида мавсумий дала қоровулларни тайинлаш тавсия этилади.

11. Вилоят Ички ишлар бошқармаси қишлоқ хўжалик экинларининг пайҳон қилиниши ва нобуд бўлишининг олдини олиш юзасидан ташкилий профилактик тадбирларни муентазам равишда ўтказиш ҳақида қўшимча тадбирлар белгилайди.

12. Шаҳар, туман ҳокимлари мулкчилик шаклларидан қатъий назар, хўжаликларнинг ҳамда улар таркибий бўлинмаларининг экинларни сақланишини таъминламаган ва уларнинг пайҳон бўлишига йўл қўйган раҳбарларига нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш чораларини кўради.

III. Якунловчи қоидалар

13. Мазкур Қоидаларнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.